Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 12 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (13.454)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТНИНГ ОСТОНА САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида иштирок этди.

Саммит 9 июнь куни Остона шаҳрининг Мустақиллик саройида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ ва унинг тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қуроляроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ШҲТнинг сўнгги саммитида келишилган масалалар – Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кенг кўламли масалаларни кўриб чиқдилар.

ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар ижросига эътибор қаратилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непалга ШҲТнинг мулоқот бўйича шериклари мақоми берилган эди.

Давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари – Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф иштирок этди. Мажлисда ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби ўринбосари Аманжол Жанқулиев, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Мин иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш бутун минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ўзбекистон Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш бўйича афғон халқи ва халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб вояга етишида давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти қўмагида Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир. Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида кенг кўламли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга биз алоҳида аҳамият қаратамиз.

Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимизнинг жаҳон бозорига қисқа йўллар орқали чиқиш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШҲТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

ШҲТ марказлари – халқ дипломатиясининг доимий фаолият юритувчи институтларини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланган эди.

Остона саммитида Ҳиндистон ва Покистон ташкилот аъзолигига қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТ аъзоси мақомига эга бўлиши Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва дунёда хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашда кўп томонлама механизм сифатида Ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилади.

ШҲТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик ва психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол, изчил курашмоқда.

Саммит иштирокчилари ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳолади. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, хусусан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини модернизация қилиш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ишбилармон доиралар ва молиявий тузилмалар ўртасида бевосита алоқаларни кенгайтириш орқали ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш тавсия этилди.

Саммит якуни бўйича Остона декларацияси қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммит самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев билан учрашувда бу галги мулоқот давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим босқич бўлиши, Самарқанддаги учрашувда эришилган келишувларни мазмунан бойитишини таъкидлади.

Алмазбек Атамбоев ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий қардошлик муносабатлари, урф-одат ва анъаналари ўхшашлиги ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Кейинги пайтларда икки давлат ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар алмашинуви амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз жамоатчилиги вакилларининг Андижон ва Ўш шаҳарларига ўзаро ташрифи бўлиб ўтди.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада фаоллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Бош вазирини Ҳиндистоннинг ШҲТ аъзолигига қабул қилингани муносабати билан табриклади.

Президентимиз мазкур учрашув Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг 2016 йил мамлакатимизга амалга оширган ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Моди Ўзбекистон Ҳиндистонни ШҲТга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қатъий қўллаб-қувватлаб келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Ушбу тарихий воқеа ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида минтақавий муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боришига ишонч билдирди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилар экан, 2016 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 15 фоиз ўсиб, 366 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани таъкидланди. Бироқ бу кўрсаткич икки давлат салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилиш учун улкан салоҳиятга эга.

"Навоий" эркин иқтисодий зонасида "Минда" компанияси билан автомобиллар бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, "Новафарм" ва "Ультра Хелс Кеар" компаниялари билан Сурхондарё вилоятида доридармон ва Тошкент вилоятида инъекция препаратлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил этилгани икки давлат ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликка ёрқин мисолдир.

Биргаликда дастурий маҳсулотлар яратиш ва телекоммуникация ускуналари, мева-сабзавот, пилла ва чармни чуқур қайта ишлаш, экспорт учун тайёр маҳсулотлар, автомобиль эҳтиёт қисмлари, электротехника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Испания Қироли Филипп VI билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини таъкидлади.

Олти аср муқаддам Соҳибқирон Амир Темур ва Кастилия қироли Энрике III ташаббуси билан Самарқандда ва Кастилия пойтахти Сеговияда элчихоналар очилган. Ўзаро ҳамкорликнинг бугунги юксак даражасига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Испания Қироли Хуан Карлос I ўртасида қарор топган яқин муносабатлар туфайли эришилди.

Шавкат Мирзиёев ва Филипп VI ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиб, халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Томонлар давлатлараро алоқаларни кенгайтиришда олий даражадаги мулоқот муҳим ўрин тутишини таъкидладилар. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари нафақат долзарб минтақавий ва халқаро сиёсат масалалари бўйича фикр алмашиш, балки турли даражадаги келгуси учрашувлар жадвали ва кун тартибини ишлаб чиқиш ҳамда келишиш имконини бермоқда.

Давлатлараро муносабатларнинг муҳим бўғини бўлган савдо-иқтисодий ва инвестициявий, транспорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳам томонлар диққат марказида бўлди.

Савдо соҳасида ўзаро кўплаб қулайликлар яратилиб, сезиларли даражада, яъни жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида тўрт баробар ўсишга эришилганига қарамасдан, бу борадаги кўрсаткичлар имконият даражасида эмас. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва таркибини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон билан Испания бунинг учун барча имконият ва салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон мамлакатимизда Испания бизнесининг, хусусан, нефть-газ, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, пардозлаш материаллари ва сопол маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида юқори технологияли корхоналар ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали кенгайишидан манфаатдор.

Испания туризм соҳасида улкан натижаларга эришган ва бу борада жаҳон миқёсида илғор тажрибага эга. Шу муносабат билан томонлар ушбу соҳада узоқ муддатли тизимли ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил этиш ва унинг дастлабки мажлисини шу йил Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўргазманинг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири
Остона – Тошкент

Иқтисодиёт

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Дунё саноат харитасига теранроқ назар ташласак, замонавий технологиялар асосига қурилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ривожланган ҳудудлар тараққиёт тизгинининг ҳақиқий эгалари бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Энг ажабланарлиси, бундай жойларда одатда табиий бойликлар танқис бўлишига қарамай одамларнинг турмуш фаровонлиги ҳатто минерал ресурсларга бой ўлкаларнинг ҳам ҳавасини уйғотади. Қолаверса, арзон хомашёни қимматбаҳо тугал маҳсулотга айлантириш орқали улар инсоният тамаддунида инновацион фаолиятни, иқтисодиётда янги тармоқлар пайдо бўлишини, жамиятда фаровонлик ҳамда илмталабликни рағбатлантиради.

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Бундай тармоқларнинг ривожланишини ким ҳам истамайди дейсиз?! Лекин тараққиётнинг бу шакли амалга жорий этилиши, аввало, қулай муҳит, узоқни кўзлаган стратегия ва ҳар қандай қийинчиликларга қарамай танлаган йўлдан оғишмасликни талаб қиладиган мураккаб жараён эканини ҳам унутмаслик зарур.

Ўтган асрнинг 90-йилларида биз саноатнинг бу каби тармоқлари ҳақида шундай дадил ва аниқ фикр юрита олармидик?! Шак-шубҳасиз, йўқ! Чунки ўз кўзинг билан кўрмаган, қўлинг билан ушламаган нарсалар тўғрисида равон гапириб бўладими?! 1996 йилда Андижоннинг Асакасида Жанубий Кореянинг "Daewoo" компанияси билан ҳамкорликда мутлақо янги технологияларга асосланган автомобиль заводи конвейерларидан биринчи автомобилнинг чиқиши бир томондан мамлакатимиз саноатини чуқур таркибий ўзгартириш бўйича бошланган ишларнинг амалдаги тасдиғига айланган бўлса, бошқа томондан ишлаб чиқариш ҳақидаги тасаввурларимизни буткул ўзгартириб юборди.

Холисона айтганда, саноатнинг синоатлари қанчалик кўплигини мустақиллик йилларида теран англадик. Узоқ даврлар мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун аввало серҳосил ер зарур деган қараш сингдирилган халқимиз Кўнғирот сода заводи, Устюрт газ-кимё мажмуаси ва яна бошқа кўплаб замонавий саноат қувватлари қиёфасида қақраган чўлларни обод қилишнинг йўллари турфалигига гувоҳ бўлди. Энг муҳими, ушбу объектларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугунги кучли рақобат шароитида омборхоналарга етиб бормасдан харидорларини топаётгани, кўплаб турдош корхоналар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантираётгани бор гап.

Дарвоқе, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, сон-саноқсиз иш ўринларининг яратилиши, энг муҳими, одамлар онгу шуурида мулкка эгалик ҳиссининг кучайиши, ишбилармонлик кайфиятининг ортиб бориши чорак аср мобайнида қадам-бақадам шакллантирилган ва ривожлантирилган кичик бизнес секторининг хизмати эканига бугун ҳеч ким шубҳа қилмайди. Статистик рақамларни четга суриб турайлик-да, ён-атрофимиздаги одамлар ҳаётига бир кур назар ташлайлик – куни кеча томорқасидаги пиёзни пуллаш билан тадбиркорлик ҳадисини олган Бозорбой бугун қўни-қўшнисининг ҳам маҳсулотларини харид қилиб, хориж билан савдо-сотиқ қилиш пайида юрганини кўрасиз. Ё ўтган йили коллежни тугатиб, дугоналарини ёнига олиб чеварлик қилаётган сингилларимиз ёнинки даставвал отасининг, кейин қўни-қўшнининг эски машинасини тузатган, ҳозир автосервис очиб, профессионал хизмат кўрсатаётган тадбиркор укаларимиз кам дейсизми орамизда?!

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзоларининг бир гуруҳи Жиззах вилояти Зафаробод туманида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан танишиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказди. Ўрганишлар натижаси халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳокама қилинди.

● Нукусда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўз ҳудудларида олиб бораётган ишлари, эришган ютуқлари, илғор тажрибаларини намойиш этиб, учраётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз фикрини баён қилди. Маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий билими, муомала маданияти, ташкилотчилик қобилиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

● Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида "Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечим" мавзусида семинар ўтказилди. Маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган ва турли танловларда ғолиб бўлган бир гуруҳ ёшлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни муносабати билан амалга оширилаётган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди.

● Гулистонда "Ёш сиёсатчи – 2017" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, Гулистон давлат университети талабалари, партия "Истиқбол" ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британия бош вазири Тереза Мэйнинг таклифига кўра мамлакатда муддатидан олдин парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 650 нафар парламент аъзолари сайланди. Буюк Британияда бундан олдинги парламент сайловлари 2015 йилда бўлиб ўтган эди.

● Забайкальеда зиёратчиларни олиб кетаётган йўловчи автобуснинг катта тезликда тўнтарилиб кетиши натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди, 40 га яқин йўловчи жароҳатланди.

● Пуэрто-Рикода бўлиб ўтган референдумда мамлакатнинг кўпчилик аҳолиси ўз давлатининг АҚШ таркибига қўшилиши учун овоз берди.

ЭКСПО – 2017

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА

Остона, 9 июнь.
ЎзА махсус мухбири Бекзод ХИДОЯТОВ хабар қилади.

Дунёда шундай спорт мусобақалари, маданий кўрик-танловлар бор: футбол бўйича жаҳон чемпионати, олимпиада ўйинлари, Formula 1 мусобақаси, Евровидение қўшиқлар танлови... Булар маълум вақт давом этиб, ер юзига тинчлик уруғини сочади, жаҳон халқларини бирлаштиради, инсониятга ўзаро тажриба алмашиш учун қулай шароит яратади.

Саноатлаштириш рамзи, техник ва технологик ютуқлар намойиши учун очиқ платформа ҳисобланган бутунжаҳон кўргазмаси – ЭКСПО 93 кун давом этиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Халқаро кўргазмага бу йил Остона шаҳри мезбонлик қилмоқда. ЭКСПОнинг расмий очилиш маросими 2017 йил 9 июнь куни ўтказилди.

Биринчи жаҳон кўргазмаси Буюк Британия шаҳзодаси Альберт ташаббуси билан "Hyde Park"да ўтказилган. Жозеф Пакстон томонидан ушбу боғда темир ва шиша ёрдамида доира шаклида бунёд этилган "Биллур сарой" барчанинг диққатига сазовор бўлган. 1928 йилда Халқаро кўргазма ўтказиш тўғрисида конвенция имзоланган. Халқаро кўргазмалар бюроси (ХКБ) бошқарув органи ҳисобланади. Уни ўтказиш тартибига кўра (универсал, халқаро, ихтисослаштирилган) уч ойдан олти ойгача давом этади.

Ҳозирга қадар 35 маротаба ўтган кўргазмага Болгария, Испания, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хитой, Италия, Туркия сингари мамлакатлар мезбонлик қилган. Анъанавий ўтказиб келинаётган ЭКСПОнинг нуфузи, мавқеи йилдан-йилга юксалиб, унда иштирок этишни истаган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ЭКСПО – 2017 кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларусь, Куба, Туркманистон, Руминия, Бразилия сингари 120 дан зиёд давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этмоқда. Шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот иштирок этмоқда.

ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўргазманинг асосий мавзуси "Келажак энергияси" деб номланган бўлиб, сайёрамизга катта таъсир кўрсатаётган энергия истеъмоли муаммоси жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётганини ўзида акс эттиради. Унинг моҳиятини "Углерод диоксиди чиқаришни қисқартириш", "Энергия самарадор турмуш тарзи", "Энергия барча учун" сингари мавзуларда ўтказиладиган семинарлар очиб беради.

Қозоғистон Республикаси кўргазмага пухта тайёргарлик кўрган. Илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда бунёд этилган мовий ранг сфера узоқдан кўзга ташланади. "Остона ЭКСПО – 2017" кўргазма мажмуи ана шу сферанинг атрофига жамланган. Умумий майдони 174 гектар. Бу ерда жами 36 объект жойлашган.

Мовий ранг сферанинг сўл қисмида Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпираб турибди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намойиши учун икки қаватли бино ажратилган. Кираверишда GM Uzbekistan маҳсулоти – Cobalt автомобили қўйилган. Павильон асосий эшигининг тепа қисмига йирик монитор ўрнатилган. Унда мамлакатимизнинг бой маданий мероси, тарихий обидалари, миллий урф-одат ва анъаналари, иқтисодий салоҳияти, туристик масканлар, диёримизда етиштирилган сархил мевалар намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон павильонининг биринчи қавати 630 квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерда қуёш, шамол ва сув, яъни келажак энергияси маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Биласиз, табиатга зарар етказмай унинг неъматларидан оқилона фойдаланиш, сув, газ ҳамда электрни тежаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Электр энергиясини тежашда қуёш энергиясини қўллаш усули қўл келади. Масалан, ҳозир автомобилларни юргизишда махсус аккумулятордан фойдаланилади. Мамлакатимиз павильонидан ўрин олган қуёш энергияси стендида 2030 йилда автомобилларни қуёш нури ёрдамида қандай қувватлантириш мумкин экани намойиш этилмоқда. Бу кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотаётир.

Умумий майдони 550 квадрат метрни ташкил этган иккинчи қаватда мамлакатимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва шарбат тайёрлаш саноатида эришилган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилмоқда.

ЎзА

Асрлар давомида шаклланган юксак маънавият, бой тарихга эга бўлган, буюк аллома, саркарда ва давлат арбобларини дунёга етказиб берган халқни ҳайрон қолдириш жуда мушкул иш. Лекин халқимиз янгиланиш нафаси билан бугунги кунидан миннатдор ва эртанги кунига ишонч билан яшамоқда. Юртимиз ҳозирги вақтда янги босқич тараққиётига ва юксакликка юз тутмоқда.

ОЛИЙ ДАРГОҲЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотлар давом этмоқда. Албатта бундай ижобий ўзгаришлар ички ишлар органлари фаолиятини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Президентимиз томонидан мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик ва осойишталикни янада барқарорлаштириш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятининг қонунчилик базасини мустаҳкамловчи қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуннинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизими учун тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу фармон орқали ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари қаторида Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини Ёнғин хавфсизлиги институтига ўзгартирилиши ёнғин хавфсизлиги соҳаси учун янги бир даврнинг бошланишига замин яратди десак адашмаган бўламиз. Ушбу янгилик республикамизда ёнғин хавфсизлиги соҳасига малакали кадрларни етказиб берувчи ягона олий таълим маскани бўлган институтимиз раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва тингловчи курсантлари томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Чунки ушбу ўзгаришлар ўз навбатида таълим сифатининг ошиши ва шу билан бирга соҳага интеллектуал салоҳиятли ёш кадрларни етказиб беришни миқдор ва сифат жиҳатидан ошишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бу ўз-ўзидан ёнғин хавфсизлиги соҳасида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг сифатини янада яхшиланиши, илмий-тадқиқот фаолиятига янада кўпроқ иқтидорли ёшларнинг жалб қилиниши ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятининг нуфузининг ошишига олиб келади.

Ёнғинлар нафақат инсон ҳаётига хавф солувчи, балки мамлакат иқтисодиёти ва атроф-муҳит экологиясига ҳам катта миқдорда зиён етказувчи офатдир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини сифатли таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса соҳада импорт ўлушини камайтириш мақсадида маҳаллий хом ашёлар асосидаги замонавий ёнғин-техник анжомлар ва оловга бардошли қурилиш материалларини яратиш, ёнғинларни бартараф этишнинг техник воситалари ва усуллари сифатини янада оширишга оид қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида жадал суръатлар билан ривожланаётган фан-техника тараққиёти даврида замонавий саноат корхоналари ва мураккаб конструкцион тузилишга эга бўлган иншоотлар ва осмонўпар бинолар қад ростламоқда. Шу жумладан ўз тараққиёт йўлидан ишонч ила қадам ташлаётган юртимизда ҳам замонавий саноат корхоналари, бинолар қурилиб халқимиз манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Халқимизнинг моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаш, келгуси авлодга бус-бутун етказиш ва айниқса халқ саломатлигини асрашда давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ўрни алоҳида. Шу сабаб ҳозирги кунда бутун ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилаётган ислоҳотлар қаторида ёнғин хавфсизлиги соҳасига ҳам янгича мазмундаги замонавий талаблар қўйилмоқда. Бошқача қилиб айтганда бугунги кун ёнғин хавфсизлиги ходими замонавий билимларни эгаллаган, ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетик, касбий кўникмаларни мукаммал эгаллаган жанговар ходим тушунилади.

Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда ушбу хизматга қўйиладиган талабларни ўзида тўлақонли акс эттирган.

Шунингдек Президентимиз томонидан Ёнғин хавфсизлиги институтига катта ишонч ила юксак вазифалар юклатилган. Ушбу қарор орқали юртимизга нафақат ёнғин хавфсизлиги йўналишидаги кадрлар балки, Ёнғин ўчиришни ташкил этиш, Давлат ёнғин назорати ва Техносфера хавфсизлиги ихтисосликлари бўйича малакали мутахассисларни етиштириб бериши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидланган ва амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотлар натижасида институтда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, ёнғин ва техносфера хавфсизлиги йўналишидаги муаммолар ечимини топишга қаратилган фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш, ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини умумлаштириб, тажрибалардаги кўзланган натижани ишлаб чиқариш соҳасида амалда қўллаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда институтдаги ўқитилиши лозим бўлган 3 та ихтисосликлар бўйича ўқув дастур ва лойиҳалари ишлаб чиқилиб, фанлар бўйича ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича белгиланган режа-дастур асосида ишлар тўғри йўлга қўйилган.

Республикамиз ички ишлар органлари давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига ва айниқса Ёнғин хавфсизлиги институтига берилган ушбу юксак эътибор яқин келажакда ўзининг улкан ижобий натижаларини бериши муқаррар. Бунда ҳар биримиз халқимизнинг тинчлиги, моддий ва маънавий бойликларини асраш каби шарафли вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишимиз лозим.

Шуҳрат КУРБАНБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтининг Ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар маркази бошлиғи, подполковник

Халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси нафақат халқимиз, балки дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этган муҳим ҳужжатга айланди.

"ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ" ХОНАСИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида "Ҳаракатлар стратегияси" хонасининг очилиши маросимида шу ҳақда сўз юритилди. "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Университет ректори Б.Ходиев, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишга қаратилганини таъкидлади. Бу давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш, мамлакатимизни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга кенг йўл очаётир.

Ҳаракатлар стратегиясида таълим сифатини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг билим ва иқтидорини чуқурлаштириш, уларнинг келгусида миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш мақсадида таълим жараёнига замонавий ёндашувлар жорий этилмоқда. Талабаларнинг "Ёш олимлар" кенгаши фаолият юритаётир. Халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайтирилмоқда.

Университетда "Ҳаракатлар стратегияси" хонаси иш бошлагани ёшларнинг жамиятимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади. Барча қулайликларга эга, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган мазкур хонада Ҳаракатлар стратегияси мақсад ва вазифалари, бу жараёнда ёшларнинг ўрнига бағишланган кўргазмали материаллар жой олган.

Бошқа олий ўқув юртларида ҳам очилиши кўзда тутилаётган "Ҳаракатлар стратегияси" хонаси Ҳаракатлар стратегиясининг кўнгиллилар гуруҳларига иқтидорли талабаларни фаол жалб қилиш, шу йўналишдаги тадбирларни ўтказиш, таълим ва ёшларга оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ёшлар ўртасида турли акциялар ўтказиш каби ишларни амалга ошириш марказига айланади.

Тадбир доирасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва "Тараққиёт стратегияси" маркази ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

Н.АБДУРАИМОВА

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли таҳлилчилар томонидан ҳар томонлама ўрганиб борилар экан, унинг устунликлари ва заиф жиҳатлари чуқур тадқиқ этилганини таъкидлаш зарур. Тез ўзгарувчан, ҳамиша янгиликка ўч бозор талабларини биринчилар қаторида илғаб олиб, истеъмолчига зарур товар ва хизматларни таклиф этиши баробарида тавакkалчиликларни осон бошқариш, турли бўҳронлардан чапдастлик билан омон қолиш имкониятига эгалиги "кичик иқтисодиёт"нинг асосий афзалликлари ҳисобланади.

Бу ўринда бир томондан кичик ишлаб чиқарувчиларнинг зарур инфраструктурага эга ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминланиши, бошқа томондан улар ўртасидаги саноат кооперациясининг чуқурлашувига хизмат қилаётган кичик саноат зоналарининг (КСЗ) аҳамияти тобора ортиб бораётганини қайд этиш жоиз. Бўш турган ёинки фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар негизида барпо этилаётган КСЗлар давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликнинг нодир намунаси сифатида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, экспорт салоҳиятини оширишда кўл келмоқда.

Кичик саноатнинг катта юриши

Ўтган йилларда хусусий мулкчилик шаклларини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар мамлакатимизда 220 мингдан зиёд кичик бизнес субъектидан иборат "кичик иқтисодиёт"нинг юзага келишига имкон яратди. Дастлаб савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини "забт этган" мазкур сектор эндиликда ишлаб чиқариш соҳаларига ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Таққослаш учун факт: 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 45 фоизга етди.

Лекин ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш қатор мураккабликлари билан ажралиб туради. Бу ўринда биргина ишлаб чиқариш майдонини транспорт ва муҳандислик коммуникацияларига улаш кичик тадбиркор учун қанча вақт ва маблағ талаб қилишини келтириб ўтиш кифоя. "Старт" тугмаси босилгунга қадар сарфланган бундай харажатлар келгусида маҳсулот таннархида ўз изини қолдириб, охир-оқибатда мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллардан бирига айланади.

Мазкур масалага ечим топишда пойтахтимиздаги собиқ "Ўзбекқишлоқмаш" заводининг Юнусобод туманидаги ҳамда собиқ "Электромаш" заводининг Сергели туманидаги бино ва иншоотлари негизида 2013 йилда ташкил этилган "Пойтахт технопарки" тажрибаси қўл келди. Ўтган даврда технопаркнинг фаолияти бир неча марта такомиллаштирилди. Натижада 2016 йилдан эътиборан Сергели туманидаги собиқ "Электромаш" заводи ва "Файз-холдинг" корхонасининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари бирлаштирилиб, ягона Сергели кичик саноат зонаси фаолият кўрсата бошлади.

Бугун Сергели кичик саноат зонасининг бир неча йил аввал ташландиқ ҳудуд бўлганига ишониш қийин. Уч мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган юздан зиёд кичик ишлаб чиқариш корхоналарида иш қайнайди. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юзлаб турдаги маҳсулотлар нафақат мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудлари, балки хорижий давлатларда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Сергели КСЗ раҳбари М.Алиевнинг таъкидлашича, умумий майдони 20 гектардан ортиқ ҳудудда ҳар бир қарич ернинг қиймати бор. Чунки ишлаб чиқариш майдонларининг энг кам ижара тўлови ставкаси бўйича, ижарага олинган майдонда амалга ошириладиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, тегишли коэффициентларни қўлламасдан узоқ муддатли ижарага берилиши тадбиркорларга катта қулайлик яратмоқда. Айни пайтда мавжуд корхоналар ишлаб чиқариш қувватининг ортиб бораётгани ишлаб чиқариш майдонлари, малакали ишчи-хизматчилар ҳамда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига бўлган талабни тобора оширмоқда. Бу КСЗ дирекциясидан муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини модернизациялаш ишларига доимий эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

– 2014 йил апрель ойидан иш бошлаганмиз, – дейди "General Packaging" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жаҳонгир Йўлдошев. – Имтиёзли кредит, имтиёзли жой, қолаверса, ускуналарни харид қилиш жараёнидаги имтиёзлар боис ишлаб чиқаришни қисқа вақтда йўлга қўйишга муваффақ бўлдик. Бугунги кунда ўнга яқин йигит-қиз ишлаётган корхонамизда маҳаллий хомашё асосида маҳсулотларни қадоқлашда зарур бўладиган картон қутилар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

– Тез кунда хориждан янги дастгоҳлар олиб келинади, – дейди "Eco Plast Product" корхонаси директори Ҳасан Дадаҳоев. – Биз ишлаб чиқараётган маҳсулот – зангламайдиган қувурлар ҳозирги вақтда асосан хориждан келтирилмоқда. Шу боис корхонамиз ишлаб чиқариш қувватини босқичма-босқич ошириб борган ҳолда маҳаллий истеъмолчиларни сифатли ва арзон маҳсулот билан таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг самарасида корхонамиздаги иш ўринлари сони йигирматага етади.

Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобидан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантиришда кичик саноат зоналарининг ўрни салмоқли бўлмоқда. Сергели кичик саноат зонаси ҳам бундан мустасно эмас.

– Мамлакатимиз тўқимачилик саноати шиддат билан ривожланмоқда, – дейди "King Garment Textile" корхонаси раҳбари Илҳом Эшмирзаев. – 2016 йил август ойида Сергели кичик саноат зонасидаги фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни ижарага олдик. 5 миллиард 500 миллион сўмдан зиёд инвестиция ҳисобига бино ва иншоотлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Жорий йил январидан бошлаб трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 600 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Корхона хомашёнинг асосий қисмини маҳаллий бозордан олгани ҳолда тайёр маҳсулотнинг 70 фоиздан зиёдини хорижга экспорт қилмоқда. Ишлаб чиқариш бошлангандан бери Россия, Қозоғистон ва Тожикистонга 400 минг долларлик трикотаж маҳсулотлари етказиб берилгани корхона экспорт салоҳиятининг юқорилигидан далолат беради.

Сергели КСЗда шаҳар ва туман ҳокимлиги, назорат органлари масъуллари билан ўтказилаётган доимий учрашувлар бу зоналарнинг тадбиркорлик субъектлари ва давлат идоралари ўртасидаги мулоқот майдони вазифасини ҳам бажараётганини кўрсатади.

Аввал учта, энди саккизта

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар бир хонадонга тадбиркорликни олиб киришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда тадбиркор учун зарур маблағ, билим ва кўникма, ер майдонлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг аҳамияти салмоқли бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 майдаги "Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори пойтахт ишбилармонларининг фаолиятини янада ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унга мувофиқ, Тошкент шаҳридаги мавжуд учта кичик саноат зонаси қаторига яна бешта КСЗ қўшиладиган бўлди.

– Мазкур ҳужжат нафақат биз сингари КСЗ имтиёзларидан фойдаланиб келаётган тадбиркорлар, балки қулай ва арзон ишлаб чиқариш майдонига эга бўлмаган корхоналар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очди, – дейди "Nexus" корхонаси раҳбари Баҳром Асқарҳўжаев. – Биргина КСЗдаги тадбиркорлар учун Кафолат жамғармасининг таъсис этилиши бизнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятимизни бир неча бараварга оширади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги маҳсулотлар, янги иш ўринлари яратилиши деганидир.

Мухтасар айтганда, ўтган йилларда йирик саноат тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар "кичик иқтисодиёт"нинг зарур хомашё ресурслари билан таъминланишига замин яратди. Кичик саноат зоналари фаолиятини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишбилармонларини рағбатлантириш механизмларининг такомиллаштирилиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аҳолининг миллий ўзликни англаши, миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳитининг омиллари ва истиқболларини ўрганишга бағишланган сўров ўтказди.

Тадқиқот 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтказилди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари қатнашган ушбу тадқиқот натижалари Ўзбекистон аҳолисининг онги ва тафаккурида Ватанга, она замин ва миллий маданиятга бўлган муҳаббат барқарорлигидан далолат берди.

Юртдошларимиз миллат деганда умумий ҳудуд, давлат, тил ва эътиқод атрофида жипслашган, маданий ўзига хослигини сақлаб қолган одамлар бирдамлигини тушунади.

Сўров қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигидан фахрланишини билдирган. Бу эса мамлакатимизда фуқаролар тинчлиги, барқарорлиги ва тотувлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган миллий сиёсат самарасидир. Юртимизда барча миллат вакиллари учун ўз салоҳиятини намоён этиш, маданий ва маънавий қадриятларини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилган. Тадқиқот юртдошларимизнинг халқимизга муҳаббати, бой тарихи ва буюк аждодлари билан фахрланиш туйғуси юксаклигини кўрсатди.

Ижтимоий сўров давлатимизнинг фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва демократияни янада ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатди.

Сўровда қатнашганлар мустақиллик уларга эртанги кунга ишонч бағишлагани, Ўзбекистон Конституциясида миллати ва динидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эга экани кафолатлангани ҳақида яқдил фикр билдирган.

Маҳалла жамиятимиз ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Сўров натижаларида турли миллат вакилларини ўзида бирлаштирган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мамлакатимиз аҳолисининг фуқаролик позициясини мустаҳкамлашдаги ўрни ортиб бораётгани ўз ифодасини топган.

Тадқиқот иштирокчилари ҳалоллик, саммийлик, фаоллик инсонни улуғлайдиган фазилатлар сирасига киришини қайд этган.

Мухтасар айтганда, ижтимоий сўров мамлакатимиз аҳолисида миллий ўзликни англаш жадал ривожланиб бораётганини кўрсатди. Аҳоли онги-тафаккурида кўп миллатли аҳил оилага мансублик, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар барқарорлигидан қаноатланиш туйғулари янада мустаҳкамланиб бормоқда.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.КАМОЛОВ тайёрлади



ИҚТИДОРЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, юртимизни ривожлантириш жараёнига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар уларнинг билим ва кўникмаларини бойитишга катта ҳисса қўшмоқда. Ана шундай танловлардан бири "Ёш сиёсатчи" кўрик-танловидир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йилдан йилга ушбу танловда иштирок этиш истагини билдираётган ёшлар сони кўпайиб бормоқда. Буни танловнинг жорий йилги саралаш ва туман босқичларида пойтахтимизнинг ўзида 1 минг 500 дан ортиқ ёшлар иштирок этганининг ўзи кўрсатиб турибди.

Саралаш ва туман босқичларида ғолиб бўлган 12 нафар иштирокчи "Ёш сиёсатчи – 2017" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этишди. Улар "Билимдон сиёсатчи", "Нотиқлик санъати" ва "Лойиҳа тақдимоти" шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Якуний натижаларга кўра, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Элдор Воҳидов ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

– Танловдаги иштироким мени сиёсий билимларимни оширишга, янада кўпроқ ўқиб изланишга ундади, – дейди Э.Воҳидов. – Ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Республика босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, яхши натижаларга эришишга умид қиламан.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдували СОДИҚОВ

ҲАЁТ ВА САЛОМАТЛИК СУҒУРТАСИ

Мамлакатимизда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш мақсадида Солиқ кодексида имтиёзлар тақдим этилган. Яъни ҳаётни суғурта қилишнинг ижтимоий аҳамияти инобатга олиниб, суғурта қилдирувчи жисмоний шахс ҳаёт суғуртасига йўналтирган пул маблағи учун даромад солиғи тўламайди.

Маълумотларга кўра, миллий суғурта бозорида ҳаётни узоқ муддатга суғурта қилувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Шунга мос равишда ҳаётни суғурта қилиш бўйича хизматларни тақдим қилувчи суғурта ташкилотлари ҳам кўпаймоқда. Улардан бири "Агрос Ҳаёт" суғурта компанияси масъулияти чекланган жамиятидир. Айни вақтда компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиаллари ташкил этилмоқда.

– Соғлиқ ва ҳаётни суғурта қилиш ижтимоий ҳимояланиш ва молиявий режалаштириш имконини берувчи замонавий хизматлардан биридир, – дейди компания бош директори ўринбосари Жаҳонгир Йўлдошев.– Инсон ҳаёти бебаҳодир. Шу боис ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ маҳсулотларимиз ҳаётий воқеалар ёки кутилмаган сарф-харажатлар каби турли қийинчиликлардан оилаларни сақлаш учун ишлаб чиқилган. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, бонус тўловли ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш шулар сирасидандир. Яқин кунларда ихтиёрий тиббий суғурта, чет элга чиқувчи шахсларнинг тиббий суғуртаси, юкумли касалликлардан суғурталаш, спортчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, кредит олувчининг ҳаётини суғурталаш ва бошқа хизмат турлари амалиётга татбиқ этилади. Инсон ҳаёти билан боғлиқ суғурта маҳсулотлари орасида "Бонус тўловли ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш" кўпчиликка манзур бўлаётир. Бунда суғурталанган шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки пул таъминоти билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган мулкманфаатлари суғурта объекти ҳисобланади. Мазкур суғурта тури даромад солиғидан озод этилган бўлиб, суғурталанувчининг 12 ой давомида амалга оширган иш ҳақидан солиқ олинмайди. Суғурта шартномаси муддати тугаши билан йиғилган барча бадаллар ва бир фоизи бонус бутунлигича қайтарилади.

Дейлик, кутилмаганда, бахтсиз ҳодиса юз берса, фожиали воқеа содир бўлган вақтда жамғарилиши режалаштирилган маблағнинг ўша пайтгача қанчаси йиғилган бўлса, суғурта компанияси ушбу жамланган бадалларни тўлаб беради. Бунинг устига мерос билан боғлиқ расмийлаштиришларни кутмасдан, ўлим муносабати билан тўлов дарров амалга оширилади.

Қоидага кўра, бунда иккита асосий эҳтимол кўриб чиқилади: ўлимнинг бўлиш эҳтимоли ёки маълум вақтгача яшаш. Шунингдек, суғурталанувчи тўловни амалга оширадиган шахс ёки шартномага киритилган бошқа шахс бўлиши ҳам мумкин. Албатта, шартномада бахтсиз ҳодиса юз берганда суғурта қопламаси, шунингдек, унинг қисмини олиш ҳуқуқига эга бир ёки ундан ортиқ фойда олувчининг номи қайд этилиши мумкин.

Кўпгина китобларда ва донишмандлар ўгитида учрайдиган "Узоқни кўра олиш ва эҳтиёткорлик бирдай муҳим: узоқни кўра олиш – қийинчиликни ўз вақтида пайқаш, эҳтиёткорлик эса – диққат билан уни қарши олиш" ибораси суғурта хизматлари ҳақида айтилгандек назаримда. Зеро, инсон ҳаёти давомида гоҳида қалтисликларга қарши боришига ҳам тўғри келади.

Зиёда ВОҲИДОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарига малака талаблари:

Ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимида (педагогик ўқув тарбиявий ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. Меҳнат дафтарчаси нусхаси (тасдиқланган шаклда);
6. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7. Паспорт (нусхаси);
8. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
9. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Реклама ва эълонлар

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва якка тартибда қурилаётган турар жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгартиришлар қилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли ҳамда 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳрида нотурар жой объектлари ва якка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар жой биноларида ва ён атрофида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари ва ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қошида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар жой бино-иншоотларини қурган ёки қайта таъмирлаган тадбиркор ва фуқаронинг қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутманг. Бу билан Сиз қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Реклама ўрнида

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида юртимизнинг барча ҳудудларида янги саноат корхоналарининг сони кўпайиб бормоқда.

БУГУН ЎЗ БИЗНЕСИНИ БОШЛАМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР УЧУН

Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда Тошкентдаги маиший иситгичлар ва саноат калориферларини ишлаб чиқарувчи "ПГС" хусусий корхонаси ҳақида эшитмаган одам топилмаса керак. Унинг маҳсулотлари экологик тоза ва ёнғин хавфсизлиги таъминланганлиги, керамик иситгичлардан фойдаланиш ва микро аэродинамикаси туфайли 30 фоизгача электр энергияни тежаши билан шуҳрат қозонган.

20 йилдан кўпроқ вақт давомида фаолият олиб борувчи компания муваффақиятининг сири шундаки, фаолиятининг асосий тамойилини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ташкил этади. Бугунги кунда "ПГС" ХИК кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун зарур буюмларни, шунингдек, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қатор корхоналар, айниқса, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар технологик ускуналарни хориждан сотиб олишни маъқул кўришади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, зеро хорижлик инвесторлар ўзларига яхши маълум бўлган техникани танлайди. Аммо ҳар доим ҳам хорижда ишлаб чиқарилган ускуна мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ускуналардан устун бўлармикан?

Ўзбекистонда нон — овқатланиш рационининг ажралмас қисми. Биз ҳар куни бир-иккита қолипли нон харид қиламиз. Эртаси куни қотиб қолса, афсусланамиз.

Айни пайтда республикамизнинг кўплаб шаҳарлари ва шаҳарчаларида бундай камчиликлардан мутлақо холи бўлган нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. У ниҳоятда сингдириб пиширилган, ажойиб таъмга эга ва бир неча кун давомида ўзининг озуқавий хоссаларини йўқотмайди.

Бунинг сири ушбу ажойиб ноннинг хамирида эмас. Балки, бунинг сири Тошкентдаги "ПГС" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган кичик новвойхоналарнинг керамик иситгичларига бориб тақалади.

...Метрога чиқиб, "Олмазор" станциясига йўл оламиз, корхона шу ерда жойлашган. Мутахассислар билан суҳбатлашиш жараёнида ўзбекча ёпган нонни газ плитасининг духовкасида ҳам, нон заводида ҳам пиширib бўлмаслигининг сабабини ҳам билиб олдик. Бунинг илмий асоси бор экан. Ҳамма гап стандарт печлар тайёрланган металлардан тараладиган тўлқинларга боғлиқ экан. Уларнинг узунлиги 300-320 микрометр бўлиб, зичлиги паст. Лой ёки бошқача айтганда керамика, аксинча, узунлиги бундан 50-60 маротаба қисқа тўлқинлар чиқарар экан, аммо уларнинг зичлиги 50-60 маротаба юқори. Айнан ушбу зичлиги туфайли ёпган ноннинг ҳар бир микрометри сингиб пишади. Тўлқинининг қисқалиги эса озуқавий моддаларнинг қуйишига йўл қўймайди. Шу сабабли ёпилган нон мазали ва хушбўй бўлади, уни ҳатто овқат ўрнида ҳам истеъмол қилиш мумкин.

Керамиканинг бундай хоссаларидан "ПГС" фирмасида фойдаланилади. Керамикадан тайёрланган ўзига хос кичик новвойхоналар ишга тушди. Натижада тандирнинг хоссаларига эга электр печка яратилди. Бундай кичик новвойхонада пиширилган нон бозордаги ёпган нонлардан деярли фарқ қилмайди. Ёпилган нондан ташқари кичик новвойхонада нон маҳсулотларининг ўнлаб турини, энг аввало, қолипли нон пиширish мумкин.

"ПГС" кичик новвойхоналарида керамикадан фойдаланиш уларнинг металлдан ясалган иситиш элементларига эга намуналарга нисбатан экологик устунлигини таъминлайди. Айни пайтда бу уларнинг бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган новвойхоналарга нисбатан хавфсизлиги, қулайлиги ва тежамкорлиги каби устунликларини таъминлайди. Хусусан, электр токи истеъмоли икки-уч баравар қисқаради. Таққосланг — Россияда ишлаб чиқарилган кичик новвойхоналар — 20 кВт/соат электр энергиясини истеъмол қилади, Туркияда ишлаб чиқарилган кичик новвойхоналар — 30 кВт/соат электр энергиясини истеъмол қилади, айни пайтда "ПГС" нинг кичик новвойхоналари нон пиширишда бор-йўғи 8,4 кВт/соат электр энергиясини сарф қилади.

Бундан ташқари, кичик новвойхоналар маҳаллий электр тармоқларига мослаштирилган. Масалан, бир қатор хорижий фирмаларнинг кичик новвойхоналари 0,2 фоиз қувват ўзгаришларига дош берса, "ПГС" кичик новвойхоналари — 10 фоизгача чидамли. "ПГС" кичик новвойхоналарининг бундай хусусияти улардан фойдаланишнинг янада узоқ муддатини таъминлайди. Бу, хусусан, иссиқлик манбаи сифатида нихром симидан эмас, ишга чидамлилиги бир неча баравар юқори бўлган еврофехраль симидан фойдаланиш орқали эришилади. Керамикадан ясалган иситиш элементи ҳам печнинг чидамлилигини оширади, чунки у коррозияга чидамли бўлади ва оксидланмайди.

Керамикадан ясалган иситиш элементларидан фойдаланиш печдан фойдаланиш хавфсизлигини бир неча баравар оширади, чунки керамика диэлектрик материал ҳисобланади. Бундан ташқари, хавфсизлик мақсадида мосламани ўрнатишда фақат иссиқликка чидамли, Цельсий бўйича +750 даражагача дош берадиган симлардан фойдаланилади.

"ПГС" кичик новвойхоналарини шунга ўхшаш хорижий мосламаларга нисбатан ишга тезроқ ҳозирлаш мумкин. Германияда ишлаб чиқарилган кичик новвойхоналарнинг иситилиши вақти 15-20 дақиқани, Туркия маҳсулотларники — 45 дақиқани, Россия маҳсулотларники — 60 дақиқани ташкил этади, ҳолбуки "ПГС" кичик новвойхоналарини иситиш 3 дақиқадан 5 дақиқагача вақтни олади. Нон маҳсулотларини тезда тайёрлаш зарурати юзага келганда бу жуда қулайдир.

Нархларни таққосланганда ҳам хорижий техника ортда қолади. Хорижий новвойхоналар бир неча баравар қиммат туради. Айни пайтда, хорижий техникани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш нархининг юқорилиги, фирманинг сервис марказлари бўлмаслиги эҳтимоли каби омилларни ҳам эътиборга олиш керак.

"ПГС" кичик новвойхоналарини харид қилишда ишлаб чиқарувчи 12 ой узлуксиз ишлашини ва беш йил бепул сервис хизматини кафолатлайди. Кафолатли хизматдан кейин ҳам сервис маркази мутахассислари ҳар қандай носозликларни осонлик билан бартараф этади. Мижозлар ўзларининг "ПГС" кичик новвойхоналарини таъмирлаш учун 10-15 йилдан кейин олиб келаётганлиги ҳам уларнинг ишончлилиги ва чидамлилигидан далолат беради. Эгалари печлар ҳамон иш бераётганидан мамнун.

Бугунги кунга келиб "ПГС" ХИК кичик новвойхоналарнинг бешинчи авлодини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу "ПГС-020" бўлиб, 50 хил маҳсулот — обинондан тортиб пирожнийларгача пиширish имконини беради. "ПГС-020" – икки камерали бўлиб, унда бир пайтнинг ўзида икки хил маҳсулотни — обинон ва сомсани пиширish мумкин. Кичик новвойхонанинг ҳажми катта эмас — бор-йўғи 140 килограмм, бир квадрат метрдан камроқ майдонни эгаллайди. Уни Россиянинг новвойлик шкафи билан солиштирсак, "ПГС" кичик новвойхоналарининг вазни тўрт баравар енгил бўлиб, камроқ жой эгаллайди.

"ПГС-020" ярим соат ичида 32 та буханка нон, етти дақиқада эса – 36 та обинон, 10 дақиқада 100 дона сомса пиширish имкониятига эга. Қатор ишлаб чиқаришлар учун бундай техника жуда зарур!

"ПГС" кичик новвойхоналарини ресторанлар, санаторийлар, соғломлаштириш оромгоҳлари, ҳарбий қисмлар бажону дил харид қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббусига кўра қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, мамлакат ва жамият ривожланишига кучли рағбат беришга йўналтирилган. Унга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бошловчи тадбиркорларга банклар ва уларнинг филиаллари томонидан кредит кўмаги кўрсатилмоқда. Аҳоли ўз ишини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлардан фойдаланмоқда. Эҳтимол, кўпчилик нон пиширish каби осойишта ва олижаноб иш билан шуғулланади. Демак, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "ПГС" кичик новвойхоналарига талаб ўсиб боради. Улар хорижда ишлаб чиқарилаётган печларга нисбатан анча арзон ва тежамкор, уларда тайёрланган маҳсулотлар эса юқори сифати билан ажралиб туради. Шу сабабли, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган одамлар мазали нон пиширадиган кичик новвойхоналарни сотиб олмоқда. Зеро, шаҳар мавзесида ёки маҳаллада қўйилган кичик новвойхона ҳар доим иссиқ нонни маъқул кўрувчи мижозлар сонини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда "ПГС" ХИК "ПГС-020/1" ва "ПГС-020/2" кичик новвойхоналарининг янги турларини ўзлаштирмоқда. Биринчиси - бир камерали бўлиб, "ПГС-020" дан икки баравар кичик, кам сонли мижозларга хизмат қилувчи кичик ресторанлар ва кафеларга мўлжалланган. Иккинчиси эса — жуда кичик, беш-олти кишига мўлжалланган. Ярим соатда кичик новвойхона тўртта буханка нон ёки 12 та обинон пиширib беради. Натижада оила аъзолари нон сотиб олиш учун магазинга бориб юрмайди, айниқса, кўлбола иссиқ нон дастурхоннинг кўрки ҳисобланади.

Манзилимиз: 100081 Тошкент ш., Гавҳар кўчаси. 125
Мулокот учун: +(998 71) 279-38-54, 279-15-70.
Факс: (+998 71) 279-25-23;
e-mail: pgs@yandex.ru, http: www.pgs.uz

Виктор КРЫМЗАЛОВ







Спорт янгиликлари

Мамлакатимизнинг етакчи клубларидан бири "Пахтакор" жамоаси фаолиятида тубдан ижобий ўзгаришлар қилиш вақти етиб келди.

"ПАХТАКОР"ДА ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ ИШ БОШЛАДИ

Чунки жамоа жорий йилги мавсумни ҳам кўнгилдагидек ўтказа олмаяпти. Албатта, бунинг объектив-субъектив сабаблари бор. Аммо жамоада иқтидорли ёш футболчилар кўп. Малакали мураббий билан ана шу ёш иқтидор эгаларини янги зафарли ғалабалар сари етаклаш мумкин.

Мухлисларнинг ёдида бўлса, клуб раҳбарияти ташаббуси билан "Пахтакор"ни Жасур Абдураимов вақтинчалик бош мураббий сифатида бошқараётган эди.

Яқинда жамоага грузиялик мутахассис Шота Арведзе бош мураббий этиб тайинланди. Аввал Туркиянинг "Қайсерспор", "Қосимпошшо", "Трабзонепор" жамоаларида бош мураббий бўлиб ишлаган Шота Арведзенинг "Пахтакор" клуби билан шартномаси икки йилга мўлжалланган.

Профессионал футбол лигаси расмий сайти хабарига кўра, 13-турдан ўрин олган "Бунёдкор" – "Қўқон – 1912" учрашуви 15 июндан 16 июнга кўчирилди.

Шунингдек, Профессионал футбол лигаси томонидан 3-турнинг қолдирилган ўйинлари санаси ҳам маълум қилинди. Шундай қилиб, "Металлург" – "Локомотив" баҳси 30 июнда Бекободда, "Бунёдкор" – "Насаф" беллашуви 4 июль куни Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЧЕМПИОНАТ ТАҚВИМИДА ЯНА ЎЗГАРИШ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичи гуруҳ баҳсларида иштирок этаётган Ўзбекистоннинг Теҳронда ўтказиладиган Эрон терма жамоасига қарши муҳим баҳси туфайли Ўзбекистон чемпионати олий лига тақвимида ўзгариш юз берди.

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги умумий ўрта таълим муассасаларида 2017-2018 ўқув йилида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

2-мактаб	–	Спутник М-2
3-мактаб	–	Спутник М-2
6- мактаб	–	Сергели-2
7-мактаб	–	Сергели-3
8-мактаб	–	Сергели-1
32-мактаб	–	Чоштепа
33-мактаб	–	Сергели-2
47-мактаб	–	Қўйлиқ-6
104-мактаб	–	Сергели-4
237-мактаб	–	М.Ҳайдар, 17
264-мактаб	–	эски Сергели
266-мактаб	–	Қўйлиқ-6
267-мактаб	–	Ўзгариш
268-мактаб	–	Қўйлиқ-7
269-мактаб	–	Гагарин кўчаси
277-мактаб	–	Қўйлиқ-6
284-мактаб	–	Сергели-8
285-мактаб	–	Йўлдош-16
300-мактаб	–	Сергели-7
301-мактаб	–	Сергели-8а
303-мактаб	–	Эркин мавзеси
304-мактаб	–	Дўстлик мавзеси
305-мактаб	–	Қурувчилар м.
317-мактаб	–	Сергели-7
322-мактаб	–	Сергели-5

Танлов 2017 йил **18 июль куни соат 10:00 да** Сергели тумани ҳокимияти кичик залида ўтказилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Сўғдиёна кўчаси, 1-уй.
Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 3А-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 257-20-93, 257-13-53.
E-mail: sergeli_txtb@xtv.uz, sergelitxtb@inbox.uz

ЭКОЛОГ ОЛИМЛАР ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

2-Республика тиббиёт коллежида "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди ташаббуси билан "Меҳр ва мурувват" жамоат фонди ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институти билан ҳамкорликда "Экология, ёшлар ва саломатлик" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир "ЭКОСАН" томонидан Орол муаммолари ва унинг ечими борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги "Харитага кирмаган саҳро" ҳужжатли фильми намойиши билан бошланди. Таъкидлаш ўринлики ушбу фильмда экологик муаммолар, жумладан, Оролбўйи аҳолисининг турмуш тарзи ва Орол денгизининг атроф-муҳитга таъсири, айниқса, давлатимизнинг ҳудуд аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари жонли тасвирларда кенг миқёсида очиб берилган.

Коллежнинг директор ўринбосари Муҳтабар Салихова мамлакатимизда ёшларга яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб ютуқларни қўлга киритаётган ўғил-қизларнинг сафи ортаётганини фахр билан таъкидлади. Коллежнинг халқаро, республика, Тошкент шаҳрида ўтказилган кўрик-танловларда ғолиб бўлган ўқувчилари – Забихулло Абдурауфов, Муниса Бахтиёрова, Кумушой Жабборова, Нигина Ўринова, Мадина Парпиева, Жонона Муҳамедовалар "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда "Меҳр ва мурувват" жамоат фонди раис ўринбосари, техника фанлари доктори Анвар Юнусовнинг "Экологик тарбия ёки атроф-муҳитга нисбатан муносабат", Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти профессори, Халқаро экологик фанлар академияси академиги Эркин Турсуновнинг "Табиий ва экологик маданиятни ривожлантириш", "ЭКОСАН" жамоат фонди бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаевнинг "Соғлом турмуш тарзи – фаровон ҳаёт гаровидир" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Ушбу фондлар томонидан экология мавзусида чоп эттирилган адабиётларнинг тақдимоти ҳам уюштирилди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган тадбирда коллеж ўқитувчилари Нигора Пўлатова, Насиба Адизова ва бир қатор ўқувчилар томонидан шеърлар ўқилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи

ЁШЛАР – ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРГА ҚАРШИ

Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан шаҳар тиббиёт ходимлари ўртасида "Ёшлар – зарарли одатларга қарши" шиори остида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш муҳимлигини яна бир бора тушунтиришдан иборат.

Сергели туманининг "Лас Вегас", Яшнобод туманининг "Замон болалари", Мирзо Улуғбек туманининг "Шунчаки", Миробод туманининг "Йигитлар" жамоалари – "Бугун биз саҳнада" мавзуи бўйича таништирув, сардорлар беллашуви, энг қизиқ ҳажвия, саҳнавий кўриниш, соғлиқни сақлашга оид клиплар мажмуи бўйича ўзаро беллашдилар.

Жамоалар ўртасида шартлар бўйича қизғин беллашув бўлиб ўтди. Беллашувда Миробод туманининг П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Мирзо Улуғбек тумани, учинчи ўрин Яшнобод тумани жамоаларига насиб этди.

Барча иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	П.Ф. Боровский номли тиббиёт коллежи	Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 8-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Мутахассис маслаҳати

ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

Қуйдирги – спора ҳосил қилувчи бактерия қўзғатадиган (B anthracis), турли хил юқиш механизмларига эга бўлган, ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланади. Ушбу хасталик Ер қуррасининг барча ҳудудларида кенг тарқалган.

Касалликни қуйдирги таёқчаси қўзғатади ва касалланган уй ҳайвонлари: қорамол, от, қўй, эшак, туя, эчки, чўчқа, ит ва мушуклар унинг асосий манбаи ҳисобланади. Табиатда қуйдирги касаллиги қўзғатувчисининг сақловчиси тупроқ ҳисобланади, айнан тупроқ ҳайвонларни қуйдирги бактерияси билан таъминлайди.

Қуйдирги бактерияси одам организмига жароҳатланган тери, шиллиқ қават, оғиз ҳамда юқори нафас йўллари орқали киради.

Қуйдирги касаллиги кўпинча қуйидаги касбларда ишлайдиган кишиларда учрайди:

– қишлоқ хўжалиги ходимларида (чорвачилик фермалари, молбоқарлар, сут соғувчилар, ветеринария хизмати ходимлари;

– гўшт комбинатлари, гўшт маҳсулоти ва тери билан ишловчи хусусий корхоналар, шунингдек, қушхоналар ва қоракўл, тери-мўйна цехлари, ҳайвон хом ашёсини қайта ишлайдиган муассасаларнинг ишчи-хизматчиларида;

– хонадонда мол боқадиган фуқароларда, қассобларда ва бошқаларда.

Қуйдирги асосан ёз-куз ойларида учрайди.

Касаллик одамга юққандан кейин бир неча соатдан то 14 кунгача яширин даври бўлиб, бунда беморлар шикоят қилмайдилар, вирус кирган жойда (терида) доғ пайдо бўлади. Бу доғ сўнгра босқичма-босқич папулага, везикулага, пустулага ва ярага айланади. Бунда терида қичишиш ва қизғиш аломатлари кишини безовта қилади.

Яра оғриксиз бўлади, усти қора парда билан қопланади. Асосан беморларнинг 95-98 фоизида қуйдиргининг тери шакли учрайди.

Касалликнинг ичак шаклида қоринда қаттиқ оғриқ, ичакдан қон кетиши, ҳаратнинг жуда юқори бўлиши каби аломатлар бўлади.

Септик шаклида эса, юқорида айтиб ўтилган клиник белгилар намоён бўлиб, кейинчалик касаллик қўзғатувчи таёқчалар қонга ўтади ва қон орқали бутун организмга тарқалади.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

– чорвачилик фермаларида, қушхоналарда, жун, тери, гўшт, сутни қайта ишлаш корхоналарида ишловчилар иш жараёнида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишлари, ҳар йили режали эмланиб, тиббиёт ходимлари назоратида бўлишлари лозим;

– мол бозоридан сотиб олинадиган қорамолларнинг ветеринария хизмати ходимлари томонидан назоратдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотномаси бўлиши керак;

– экспертиза ва ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслик;

– касаллик аломатлари пайдо бўлганда ўзбошимчалик билан даволанмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Аҳоли орасида қуйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича санитария-тарғибот ишини кенг кўламда олиб бориш зарур.

Г.СОБИРОВА,
эпидемиолог шифокор

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 8 июндаги 78К-ПО буйруғига асосан аукцион савдоларига Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 10 733 617 900 сўм.

Балансда сақловчи: Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Аукцион савдоси 2017 йил 14 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йил 31 июль ва 15 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомалар билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. Лицензия: RR 0001.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицей томонидан 2015 йилда Пирмухамедова Сурайё Даврон қизи номига берилган №256982 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Ягона дарча маркази томонидан 21.12.2016 йилда №009679-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ULTRA TEKS PROM" ХК (ИНН 304489377)
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99898 301-10-18.

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 131-мактаб томонидан 2004 йилда Ахунова Назира Нармахамадовна номига берилган U 0967423 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

37 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **13 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 35-*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 635
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ